Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 6 MART, JUMA, 29 (7490) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

▽ 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЭЗГУ НИЯТИ ҚАЛБИДЕК БЕҒУБОР

Тўрақўрғон азалдан уста пахтакорлар юрти ҳисобланади. Бу ҳудудда пахта илмини пухта эгаллаб, ундан эл-юрт фаровонлиги йўлида улкан ҳиссасини яратаётган инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Қолаверса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдурайим Ҳомидов, Ҳалчаҳон Мирзаева ҳам Тўрақўрғондан етишиб чиққан.

– Дилларни шодликларга тўлдириб, Мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи баҳори ҳам кириб келди, – дейди "Ҳатича ая" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳалчаҳон Мирзаева. – Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши, биз каби фермерларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Фермер хўжалигимизнинг жами экин майдони 48,4 гектарни ташкил этади. Шундан 28,4 гектарига пахтанинг "АН-35" навини экишни режалаштирганмиз. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 33,7 центнердан белгиланиб, ялпи хирмон 106,9 тоннани ташкил этади. Айни кунларда экин майдонлари чигит экишга тайёрлаб қўйилмоқда. Дала четларига ошковоқ, картошка ва бошқа резавор экинларини экиб қўйдик. Ўз вақтида ўғитланиб, оби-тобида суғорилган 20 гектар майдондаги буғдой майсалари баҳор қуёшидан кун сайин кўкка бўй чўзиб, бу йилги ҳосил чўғидан далолат бермоқда. Насиб этса, давлатга 73,2 тоннадан ортиқ буғдой сотиб, ҳосилдорликни гектар бошига ўртача 58 центнердан оширамиз. Шунда 23 нафар фермер хўжалигимиз аъзоларининг омборлари ҳам донга тўлади. Абдужалил Отабоев, Олимжон Ҳақназаров, Исломжон Турғунов каби илғор сувчиларимиз борки, албатта, кўзланган хирмон бунёд этилади.

Ҳа, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳалчаҳон ая Мирзаеванинг сўзи – сўз! У асло ерда қолмагай. Чунки деҳқоннинг эрта баҳордаги нияти қалбидек беғубор бўлади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Наманган вилояти

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобини нашрдан чиқарди.

"ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ"

Маълумки, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Аммо кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирозга баҳо берар экан, унинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.



Ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, унда юқорида зикр этилган масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар илгари сурилади.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми **"Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар"** деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ эканини таъкидлайди.

Китобнинг иккинчи қисми **"Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир"** деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди, яқин истиқболга белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси, аввало Инқирозга қарши чоралар дастури ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини бериши, айни пайтда инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратиши асарда алоҳида қайд этилади.

(ЎзА)

Кунднинг муҳим воқеалари

○ Жиззах шаҳрида хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишланган «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида мавзуалар тинглади.

○ Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ҳайкалтарош ва график Гулзор Султонова асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

○ Навоий шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда шаҳар ва туманларда голибликни қўлга киритган ўн иштирокчи билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

○ Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида жамиятда аёллар фаоллигини ошириш, оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб этиш мақсадида "Овулимиз келинлари" кўрик-танлови ўтказилди. Унда тумандаги маҳалла ва овуллардан ёш келинлар иштирок этди.

○ Фарғона шаҳрида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Соғлом танда – соғ ақл" шиори остида халқ таълими тизимидаги раҳбар аёллар ўртасида спорт мусобақалари якунланди. Унда иштирокчилар спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, стритбол сингари турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Меҳнат қилдик, азиз бўлдик

Инсон ўз умри мобайнида баъзан равон, баъзан нотекис йўлни босиб ўтади. Болалигим суронли оғир йилларга тўғри келган. Гарчи шундай бўлса-да, отаонам мени ва ака-укаларимни авайлаб ўстирдилар. Нурота тоғ тизмасидаги Ғўбдин адирига туташ Солин қишлоғида улғайдик.

Ғаллаорол тумани ўзининг ажойиб табиати ва тиниқ ҳавоси билан киши дилини хушнуд қилади. Тут, майиз, туршак еб, қуртова ичиб катта бўлдик. Болалик ҳам, ёшлик ҳам мисоли эртакка ўхшаб даре сувидай ортга қайтмас экан. Йигитлик бурчимни адо этиб келгач, қишлоқ хўжалигида дадамнинг ишларига қарашиб юрдим. 1971 йили Арнасой туманига кўчиб келдик. Оила қурдим. Умр йўлдошим билан бир қиз ва уч ўғилни тарбиялаб вояга етказдик. Ҳозир қизим Гулчеҳра ўз оиласи билан биргаликда бахтли турмуш кечирмоқда. Тўнғич ўғлим Неъматжон Самарқанд давлат архитектура олийгоҳини тамомлади. Ўртанча ўғлим Раҳматилло ўзи ҳавас қилиб, "ота касби"ни танлади. Кенжа ўғлимиз Раббимжон ҳам акалари изидан юрди. Меҳнат инсонга бахт келтиради, деб бежиз айтишмаган. Биз ота-она сифатида фарзандларимизнинг яхши инсонлар бўлиб, бахтиёр яшашлари учун қўлимиздан

Шукрона

келганча меҳнат қилдик. Шукроналар бўлсинким, бугун бағримизда 15 нафар набира шод-шодон улғаймоқда.

Юртимизда мустақиллик йилларидаги ўзгариш ва ривожланишларни кўриб, кўнглим қувонади. Бир-биридан чиройли янги коллеж ва мактаблар, даволаниш масканлари, текис ва равон йўллар, ажойиб кўприклар бунёд этилмоқда.

Етмиш ёшни қоралаган бўлсам-да, ўғилларимга бош бўлиб Арнасой туманида "Ўғлонлар" фермер хўжалигини ташкил этдик. Қирқ саккиз гектар еримиз бор. Ҳар йили пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартномани ошиғи билан уддалаб келмоқдамиз. Ўғлим Раҳматилла барча ишларга бош-қош.

Халқимизда шундай нақл бор: "Меҳнат қилган хор бўлмас". Ҳа, меҳнат қилдик, азиз бўлдик. Ўзим ҳар тонгда далада меҳнат қилаётган деҳқонлар олдига ошиқаман, билганимча маслаҳат бераман, йўл-йўриқлар кўрсатаман. Хуллас, келгусида фермер хўжалиги фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга, пахта ва ғалладан янада баракали ҳосил тўплаб она-юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилмоқдамиз. Бизнинг аҳил оила қишлоқдошлар эъзозида яшаётганидан Яратганга шукроналар айтаман.

Анорбой РАЖАБОВ,
Арнасой туманидаги "Ўғлонлар" фермер хўжалиги аъзоси.

Жиззах вилояти

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммолар ечимини топиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш бўйича гуруҳи ҳамда вилоят, шаҳар, туман кенгашлари доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Изчиллик ва фаоллик талаб этилади

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, шаҳар ва туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда маҳаллий депутатлар "Маҳаллий ҳокимият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ваколатларини ҳаётга изчил татбиқ эта бориши, янги қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда ва оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Самарқанд вилояти

▽ Маҳаллада баҳор юмушлари

– Мана кўриб турганингиздек, қишлоғимизда баҳор нафаси сезилаётганига анча бўлди. Бизда ҳар йили февраль ойидан бошлаб плёнка остига сабзавот экиш бошланади, – дейди Тошлоқ тумани Гузарбоши маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Ҳакимов. – Деярли ҳар бир оила шундай деҳқончилик билан шуғулланади. Жами оилалар бўйича 17 гектар плёнка остида картошка, редиска ва бошқа резаворлар етиштирилади.

ПЛЁНКА – САБЗАВОТ РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Маҳалла ҳудудига 20 туп арча, уч хилдаги 600 туп мевали кўчатлар, 2 минг туп тут экишди. Бу ишда Шавкатжон Ҳасанов, Ҳайрулла Мадраҳимов, Сирожиддин Жалолов, Йўлчи ҳожи Раҳмоновнинг оилалари бошқаларга ибрат бўлишяпти. Шунингдек, маҳалладаги 12 та хонадондаги 58 сотихли иссиқхонада помидор, бодринг пишиб ётибди. Ҳар хил гуллар барқ уриб ўсмоқда.

Деҳқонбой Қорабоевлар оиласида бўлдик. Катта эшик олди ва ҳовли супуриб-сидирилган. Дарахтларга шакл берилиб, оқлаб қўйилибди. Саккиз сотих ерда плёнка остида редиска, турли кўкатлар, саримсоқпиёз униб, баравж ривожланмоқда. Мевали дарахтларнинг барчаси уйғониш арафасида.

– Ҳар йили редиска экиб, уни март ойи ичи сотиб, орасига булғор қалампири, картошка, кейин эса макка экамиз, оладиган жами даромадимиз меваларни кўшиб ҳисоблаганда 2-2,5 миллион сўмга етади, – дейди хонадон соҳибаси Нафисахон ая.

Ҳамроҳимиз туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Содиқжон Имомалиев тумандаги барча маҳаллаларда, фермер хўжаликларида Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида иш ташкил этилганлигини айтиб берди. Жумладан, плёнка остига фермерлар томонидан 174 гектарга, аҳоли томорқаларида 553 гектарга сабзавот ва картошка экиш тугалланганлигини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, дала четлари, зовур ва катта ариқлар бўйларига, маъмурий бинолар олдиларига ҳам жами 1247 гектарга сабзавот , 140 гектарга полиз, 750 гектарга картошка экиш бошланганлиги озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга муносиб ҳисса бўлиши муҳимлигини айтди.

Яккатут қишлоғи Навоий кўчасида яшовчи Маъмуржон Орипов, Содиржон Орипов, Арслонов кўчасида истиқомат қилувчи Абдусаттор Луқмонов, Заркент қишлоғидаги "Собир ота" фермер хўжалиги бошлиғи Абдураҳим Собиров плёнка остида етиштирилаётган маҳсулотларни бозорга чиқариш билан бирга четга экспорт қилаётганларини сўзлаб беришди. Келгусида қишлоқларда ҳам кичик-кичик консерва цехлари қурилса, кўпчиликка маъқул бўлишини, деҳқонларнинг оғири енгиллашишини билдиришди.

Ҳошимжон НУРИДДИНОВ,
журналист.

Фарғона вилояти

Ғаллачилик

Суспензия — экин дармони

Сирдарёлик фермерлар ғалла парваришини қизғин авж олдираяптилар. Бу йил вилоятда 89874 гектар майдонда ғалла етиштирилмоқда. Айни пайтда ушбу майдондаги майсаларни баргидан озиқлантириш, яъни суспензия сепиш бошланди.

— Ғаллани баргидан озиқлантириш, биринчидан, майсани бақувват қилиб ўстирса, иккинчидан, танадаги зараркунанда ҳашаротларни ҳам йўқ қилади, — дейди Сирдарё вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссадорлик жамияти раиси Холйигит Райимбердиев. — Шунинг учун суспензиянинг фойдаси, афзалликлари ҳақида тавсияномаларни ҳар бир фермер қўлига китобча қилиб етказдик. Ундан ташқари, Ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят маркази билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилди. Бу амалий семинарларда барча фермерлар, мутахассислар, механизаторлар иштирок этдилар. Демак, ҳар бир гектар майдонга 25 килограмм карбомид, 12 килограмм фосфор, 7 килограмм калий эритмаси сепилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда вилоятда 250 та ОВХ пуркагичлар, 532 та дори сепгич қўл аппаратлари ишлатилаяпти. 89 та отряд ташкил этилган. Суспензия сепиш туман "Қишлоқхўжаликкимё"нинг механизаторлари кучи билан амалга оширилмоқда.

— Суспензия — бу экин дармони, қуввати, — дейди Ховос тумани "Ёш авлод" фермер хўжалиги раҳбари Полвонқул Шодмонқулов, — озиқлантирилган майдонни икки кундан кейин кўринг — яшнаб кетади. Яхши ҳосил оламан деган деҳқон бу имкониятдан фойдаланиши лозим.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сирдарё вилояти

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Шаҳар янада оройиш топмоқда

Қашқадарё вилояти маркази — Қарши шаҳрида кўплаб замонавий савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон кўчасида — йўл ёқасидаги кўп қаватли уйлардан бирига уйғун равишда барпо этилган "Crystal" кафе-бари фаолият кўрсата бошлади. "Синтез" архитектура ва қурилиш марказининг архитектори Мавлуда Жўраева томонидан лойиҳалаштирилган бу иморатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у мутлақо шаффоф, яъни номига мос тарзда кристаллга ўхшатиб қурилган. Бундан ташқари, шаҳарда "Эксклюзив" элита пардалари салони, "Геолог" кафе-бар ва мини маркет мажмуаси ҳам фойдаланишга топширилди. Боулинг клуб ҳамда қандолат маҳсулотлари ва ярим тайёр таомлар ишлаб чиқариш цехлари қурилиши давом этмоқда. Насаф кўчасининг Мустақиллик шоҳкўчаси билан кесишган жойида супермаркет ва ресторан, еттинчи митти туманга туташ қисмида эса фирма дўкони ва чойхона, бир қатор ресторанлар, дорихона, бошқа маиший хизмат кўрсатиш муассасалари учун кўркам бинолар қурилаяпти.

Бунёдкорлик

Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли маданият ва спорт соғломлаштириш марказида боулинг-клуб, маъмурий бино ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилаётган бўлса, бевосита чорраҳа яқинида "Nasaf Travel" компанияси ҳисобидан замонавий меҳмонхона бунёд этилаяпти.

2009 йилнинг дебочаси сифатида "UzGazOil" хорижий унитар корхонасига тегишли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси фаолият юрита бошлади. Доимо автоуловлар билан гавжум бўлган бу иншоот яқинида автоуловларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси қурилмоқда.

— Муҳтарам Президентимизнинг бевосита йўл-йўриқлари, маслаҳатлари асосида вилоят марказини ривожлантиришнинг бош режаси ишлаб чиқилди, — дейди шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов. — Шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нефть-газ саноати корхоналарининг ўрни беқиёсдир. Турар-жой мажмуалари, замонавий мавзелар, дам олиш масканлари, хиёбонлар қад ростлайди. Шаҳар кенгайиб, 500 минг аҳоли истиқомат қиладиган йирик индустриал илм-фан, маданият марказига айланади.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

"КАМАЛАКМАРМАР" маҳсулоти ўн икки рангда жилоланади

"Камалакмармар" шўъба корхонасида мармардан мўъжизалар яратилади, десалар, ишонаверинг. Чунки, мармарнинг ўн икки рангда жилоланган турларини фақат Нуротада учратасиз.

"Ғозғонмармар" акциядорлик жамиятига қарашли ушбу шўъба корхонасида эллик нафардан зиёд юқори малакали мутахассислар меҳнат қилаётир. Шуни айтиш жоизки, мармар харсанглар-

нинг асосий қисми Италиядан келтирилган "Tema Frugoli" ускунаси ёрдамида плита шаклида силлиқланаётир. Сифатли қурилиш материали ҳисобланган мармарнинг харидори хориждa ҳам кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг бошидаёқ Россиялик ҳамкорлар билан 300 минг АҚШ долларига тенг қийматдаги шартнома имзоланган. Корхонанинг қувватини янада ошириш мақсадида чет эл сармоясини киритиш чоралари кўриляпти.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ
олган суратлар.

Навоий вилояти

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини, жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эл-юрт тўкинчилигининг асосий манбаи — деҳқончилик ва чорвачиликдир. Тармоқ қай даражада ривож топса, эл дастурхонига шунчалик барака ёғилаверади.

Қарор ва ижро

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИ — МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ГАРОВИ

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришни ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини чорва маҳсулотлари билан тўлдиришда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор талаблари ҳаётга татбиқ этилиши натижасида чорвачилик соҳасида қатор янгиланишлар рўй берди.

Бу борада Хоразм вилоятида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳам эътиборга моликдир. Ўтган йили вилоятда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини ошириш, чорва бош сонини кўпайтириш мақсадида 2178,2 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Қорамол боқиш билан боғлиқ бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларнинг 2600 нафардан кўпроғига меҳнат дафтарчалари очилди. Вилоятда чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш бўйича 157 та шохобча ташкил қилиниб, зарур зоотехник ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Натижада уларнинг хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Кейинги йилларда вилоятда чорва наслини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хориждан наслдор қорамолларни келтириш, қорамолларни "кимошди" савдолари орқали сотиш анъанага айланди. Ўтган йили Украина давлатидан 650 бош наслдор қорамол олиб келиниб, фермерларга тарқатилгани, аҳоли ва фермерларларга "кимошди" савдолари орқали режадаги 1000 та ўрнига 1156 бошдан ортиқ наслли қорамол сотилгани фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида омихта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослашган вилоят чорва озуқаси бош бирлашмаси, унинг туман бўлимлари ва аҳоли истиқомат жойларида шохобчалари ташкил этилиб, аҳоли ва фермерларнинг чорва моллари, паррандалари учун витаминларга бой озуқалар етказиб берилмоқда.

— Чорвани озуқа билан узлуксиз таъминлаш мақсадида жойларда шохобчаларимиз сонини талаб, эҳтиёж ва имкониятга қараб кўпайтираверамиз, — дейди вилоят чорва озуқаси бош бирлашмаси раиси Шавкат Сафарбоев. — Энг муҳими, аҳоли чорваси учун ҳам озуқа арзон нархларда етказиб бериляпти.

Ушбу ишлар самараси ўлароқ, соҳада ўзини оқламай келаётган чорва озуқасини тақсимлаш тизимига барҳам берилди, омихта ем нархларини сунъий оширишнинг олди олинди. Яна бир қулай томони чорва озуқаси сотиладиган шохобчалар аҳоли истиқомат жойларига яқинлаштирилди. Натижада, бозорларда чорва маҳсулотлари нархининг арзонлашишига эришилмоқда.

Булардан кўринадики, вилоятда чорвачилик соҳаси илдамлаб бораяпти. Келажакда халқимиз дастурхонини чорва маҳсулотларига янада тўкин қилиш чоралари кўрилмоқда.

Раимкул СУЯРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Хоразм вилояти

"Қишлоқ ҳаёти"га жавоб берадилар

МАКТАБДА МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Таҳририятимизга Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани "Чорвадор" ҚФЙга қарашли Оққудуқ ва Қанотли қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар шикоят хати йўллаб, унда ҳудуддаги 144 ва 145-мактаблардаги муаммолар ҳақида сўз борган эди.

Яқинда туман ҳокимининг ўринбосари Э.Бобоқулов имзоси билан ушбу мурожаатга жавоб хати олинди. Унинг мазмуни қуйидагича:

Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ҳамда туман ХТБ мутахассисларидан иборат гуруҳ ёрдамида 144 ва 145-умумтаълим мактабларида олиб борилаётаган таълим-тарбия ишлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида шикоят хатида келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Айни пайтда ушбу мактабларнинг молиявий аҳволи ҳам ўрганилаяпти.

Мактаб раҳбарларининг мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, шикоят хатида кўрсатилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш тўғрисидаги фикрларини эътиборга олиб, камчиликларни бартараф этиш учун туман халқ таълими бўлими услубчиларидан иборат гуруҳ тузилиб, мазкур мактабларга амалий ёрдам уюштиришга келишиб олинди.

Шикоят хатида ёзилган камчиликлар тез кунларда бартараф этилади.

"Наврўз — 2009"

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими Наврўз айёми олдидан хайрия акцияси ўтказди.

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, ногиронларга жамғарма томонидан совға-саломлар тарқатилди. Бир қатор шифохоналарга дори-дармонлар билан таъминлашда ёрдам берилди.

– Чекка-чекка ҳудудларда яшаётган оилаларда ҳам тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва ёшларнинг баркамол вояга етиши учун кўмаклашиш асосий мақсадимиздир, – дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлими раҳбари Нодира Каримова. – Ўтган йили жамғарманинг кўчма поликлиникаси юздан зиёд қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, 63 мингга яқин аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказди. Шунингдек, жойларда тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда «Бўлажак оналарга маслаҳатлар», «Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти», «Ирсий касалликлардан сақланиш йўллари» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Саломатлик мавзуидаги маърифий буклетлар тарқатилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Тошкул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

ТАЪЛИМ

Элликқалъа туманидаги Бўстон ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ҳудудда ўзига хос мавқега эга. Узоқ йиллар мобайнида соҳага етук кадрлар тайёрлаб келаётган илм масканининг ҳозирги фаолияти тўғрисида суҳбатлашиш мақсадида коллеж директори Бахтиёр Ешмурадовга мурожаат қилдик.

БУГУНГИ ТАЛАБА — ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

– Коллежнинг 1050 ўринга мўлжалланган ўқув биноси, 200 ўринга мўлжалланган ётоқхонаси, Ахборот-ресурс маркази, ёзги ва қишки спорт майдончалари, шинам ошхона мавжуд, – дейди Б.Ешмурадов. – Ёшларнинг мустаҳкам билим асосларини эгаллашлари учун 87 нафар педагог-ўқитувчилар меҳнат қилаётир. Бухгалтерия, Молия, Солиқ ва солиққа тортиш, Банк иши, Бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари, автотранспортларда ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шу кун талабига мос равишда жиҳозланган, зарур адабиётлар, Президент асарлари, газета-журналлар билан таъминланган маънавият ва маърифат бўлими мунтазам ишлаб турибди.

Коллежда спорт ва ҳарбий ўйинлар ўтказишга ҳам етарли аҳамият қаратиляпти. Шунингдек, 2 та компьютер хонаси, 2 та видеолойиҳа, 4 та лингафон, 4 та химия-биология лабораториялари хонаси доимо талабалар билан гавжум. Йигит-қизларнинг фанларга бўлган қизиқишини ва иқтидорли талабаларни аниқлаш мақсадида умумтаълим фанларидан 17 та, махсус фанлардан 25 та, спорт ва жисмоний тарбия фанларидан 10 та тўгараклар ташкил қилинган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари, соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорликда Одам савдоси ва унга қарши курашиш, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилмоқда.

Табиатнинг энг эрка келинчаги баҳор кириб келиши муносабати билан тилакларингиз.

– Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини, ҳар бир инсонга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, ёшларимизнинг чуқур билим сирларини ўзлаштириб, шу Ватанга, эл-юртга муносиб фарзандлар бўлиб етишишини тилайман.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Пойтахтга туташган тароватли далалар

Пойтахт атрофида жойлашган Зангиота туманидаги Бўзсув кўпригидан ўтгач, уфққа туташ боғлар кўзга ташланади. Олмазор, олхўризор, узумзор. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари далалари. Иккинчи кўприкдан ўтиб, уч-тўрт чақирим юрилса, кенг далалар бошланади. Зангиота тумани "Бўзсув таянч-мададкор" муқобил машина трактор парки шу дала бўйида жойлашган.

– Мана, баҳор келди, – дейди парк раҳбари Туроб ака Ваҳобов. – Ҳадемай экин-тикинга киришамиз. Эртаги экинларга жой тайёр.

Туроб ака ММТПнинг моддий-техника базаси яхшиланиб бораётгани, ўтган йилнинг ўзида иккита "Белорус" трактори сотиб олингани, лизингга "Клаас" комбайни харид қилингани, барча техника тайёргарлик чизиғига қўйилгани ҳақида сўзлаб берди.

Бўзсув қишлоғи фермерлари асосан ғалла, сабзавот, картошка етиштиришади. Ўтган йили ҳар гектар ердан ўртача эллик центнердан дон олинди. Тошкентнинг "Фарҳод", "Чилонзор", "Сувсоз" бозорларида аҳолига кўплаб помидор, бодринг, картошка каби маҳсулотлар етказиб берилди. Шунга яраша фаровонлик ошиб, қишлоқ обод ва кўркам бўлиб бормоқда. "Ёшлар боғи" ташкил этилган, фермерларнинг ўқув маркази, болалар спорт мажмуи ишламоқда, янги қурилишлар режалаштирилмоқда.

Қишлоқнинг бир чеккасида "Виртехагро" номли қўшма корхона бор. Илгарилари мазкур корхона бошқа ном билан аталар ва паррандачилик бўйича имкониятларини тўлиқ ишга сололмаганди.

Корхона директори Баҳодир Ҳошимов билан ҳудудни айланамиз.

– Голландия технологиясини олиб келиб ўрнатяпмиз, – дейди у цехлардан бирининг эшигини очиб, ичкарига назар ташлашимизни сўраркан. – Қаранг, шу ерда оз эмас – 16800 бош жўжа бор. Қирқ кун боқамиз. Шунда ҳар бири ўртача икки килога етади. Кейин шартнома асосида гўштга топширамиз. Бутун бир цехни компьютер ёрдамида бир малакали товуқбоқар бошқаради.

Туманнинг чеккасидаги қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муҳим масала. Бош директорнинг айтишига қараганда, корхона ишининг юришаётганлиги сабабли кейинги уч ой ичида қўшимча 60 киши иш билан таъминланган. Ҳозир бу ерда 120 нафар киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг ёрдами билан шу йилнинг ўзидаёқ 600 тонна парҳез гўшти ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхона жойлашган ҳудуддан сал ортга қайтиб юрилса, Тошкент–Туркистон автомагистралига чиқилади. Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини идораси шу ерга жойлашган. Янги сайланган оқсоқол Аваз Абидов ўз хонасида маҳалла раислари билан суҳбатлашаётган экан.

– Биласиз, коммунал тўлов масаласи долзарб бўлиб турибди, ҳудудимиз катта – 11 та маҳалла бор. Кўпчилик хонадонлардаги иссиқхоналарда сабзавот етиштирилади. Газ, электр тўловларида камчиликларимиз оз эмас. Ўтган йилги қарзларни тўлаб битиришимиз керак. Шунга маслаҳатлашиб ўтиргандик, – дейди у.

Қишлоқда бўлган киши ҳар гал келганида янги ўзгаришларни кўриб қувонади. Бу ерни Тошкент билан боғловчи йўл ўтган йили бутунлай қайта қурилди. Кўприклар таъмирдан чиқарилди. Хизмат кўрсатиш шохобчалари кўпайди. Темир йўлчиларнинг замонавий услубда қурилган санаторияси, тиббиёт коллежи, мактаб ва бошқа бинолар қишлоқ кўркига кўрк қўшаётир.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

Тошкент вилояти

Шамсиддин Холиқов собиқ "Оқтепа" ширкат хўжалигидаги чорвачилик фермасини қимошди савдосида ютиб олиб, яхши ният билан иш бошлади. Биринчи навбатда, озуқа етиштиришни кўпайтириш ҳаракатида бўлди. Қорамолларнинг парваришини янада яхшилаш учун атрофига соҳани тушунадиган, унинг оғир-енгилига чидайдиган ҳамқишлоқларини чорлади. Икки йилда ишда анчагина натижаларга эришилди. Жумладан, 2008 йилда тайёрлов корхоналарига 73 тонна сут, 10 тонна гўшт топширди. Подани сараланш ва наслини яхшилаш бўйича ишлар боряпти. Бу ерда 105 бош қорамол бор.

"КИМОШДИ"ДАН БОШЛАНГАН ИШ

оқтепалик Шамсиддин фермер паррандачиликни йўлга қўйиб, арзон маҳсулот етиштирмоқда

Чорвачилик фермасининг анчагина бинолари ҳамон бўш. Бу бинолардан қай йўсиндаки фойдаланиш даркор, албатта. Шамсиддин бу ҳақда кўп ўйлади. Охири паррандачиликни ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб билди. Бир товуққа дон ҳам, сув ҳам керак. У товуқ боқиш билан машғул бўлган атрофдаги бир қатор фермерлар ва тадбиркорларнинг иши билан танишди. Товуқ боқишда энг зарур бўлган катакларни сотиб олиш ҳақида бош қотирди. Интернет орқали бу ҳақдаги маълумотларни қайта-қайта қиёслади. Бир тўхтамга келгач эса Хитой томонларга йўл олди.

Бир ҳафтадан буён Шамсиддин Холиқовнинг паррандачилик хўжалигида товуқлардан тухум олиш бошланди. Дастлабки нишона бир дона тухум фермерга қувонч бағишлади. Эртасига 10 дона, сўнгра 100 баробар, 3 март куни эса 4,5 мингта тухум катаклардан йиғиб олинди. Олинаётган тухумларнинг ҳар донаси 165 сўмдан мижозларга берилаётир.

Бугун тадбиркорларга ўз технологияларини тақдим этаётган хорижий компанияларнинг саноғи беҳисоб. Фирмалардан бири Шамсиддинга 20 минг бош товуқ парваришлашга мўлжалланган катаклар комплексини осмон баҳода айтди. Бошқаси ундайроқ, яна бири бундайроқ нарх айтдики, ана шундан сўнг Шамсиддин Интернет орқали маълумот йиға бошлади. Унинг айни Хитойга бориб, у ердаги технология билан юзма-юз танишуви сабаби шундаки, аввало, нарх ўта мўътадил, технологияни ишлаб чиқарувчи ёрдамисиз созлаш ва ишлатиш томонидан қулайликлар бор. Технологиянинг хариди, олиб келиш, созлаш ва ишга тушириш харажатлари қўшилиб, бир товуқ боқиш учун 1,5 доллар сарфланди. Агарда Шамсиддин зийраклик билан иш тутмаганда ушбу харажат 10 долларгача ортса ортардики, асло кам бўлмасди.

— Технологияни харид қилиш учун оилавий имкониятимиздан фойдаландик, — дейди Шамсиддин Холиқов. – Ака-укалар енгил машиналаримизни, етмай қолган қисмига эса новвосларимизнинг семизларини сотдик. Хитойликлар билан ўзаро шартнома имзолаганимиздан сўнг "Пахта Банк" дан жўжа сотиб олиш учун 50 миллион сўм кредит олдик. "Парранда — етти хазинанинг бири" деган нақл бежизга айтилмаган экан. Самарқанддаги "Оҳалик" паррандачилик ОАЖ дан олиб келган 20 минг бош бир ойлик жўжаларни жуда эҳтиётлаб парваришлашга мўлжалланган катаклар комплексини осмон баҳода айтди. Бошқаси ундайроқ, яна бири бундайроқ нарх айтдики, ана шундан сўнг Шамсиддин Интернет орқали маълумот йиға бошлади. Унинг айни Хитойга бориб, у ердаги технология билан юзма-юз танишуви сабаби шундаки, аввало, нарх ўта мўътадил, технологияни ишлаб чиқарувчи ёрдамисиз созлаш ва ишлатиш томонидан қулайликлар бор. Технологиянинг хариди, олиб келиш, созлаш ва ишга тушириш харажатлари қўшилиб, бир товуқ боқиш учун 1,5 доллар сарфланди. Агарда Шамсиддин зийраклик билан иш тутмаганда ушбу харажат 10 долларгача ортса ортардики, асло кам бўлмасди.

— Технологияни харид қилиш учун оилавий имкониятимиздан фойдаландик, — дейди Шамсиддин Холиқов. – Ака-укалар енгил машиналаримизни, етмай қолган қисмига эса новвосларимизнинг семизларини сотдик. Хитойликлар билан ўзаро шартнома имзолаганимиздан сўнг "Пахта Банк" дан жўжа сотиб олиш учун 50 миллион сўм кредит олдик. "Парранда — етти хазинанинг бири" деган нақл бежизга айтилмаган экан. Самарқанддаги "Оҳалик" паррандачилик ОАЖ дан олиб келган 20 минг бош бир ойлик жўжаларни жуда эҳтиётлаб парваришлашга мўлжалланган катаклар комплексини осмон баҳода айтди. Бошқаси ундайроқ, яна бири бундайроқ нарх айтдики, ана шундан сўнг Шамсиддин Интернет орқали маълумот йиға бошлади. Унинг айни Хитойга бориб, у ердаги технология билан юзма-юз танишуви сабаби шундаки, аввало, нарх ўта мўътадил, технологияни ишлаб чиқарувчи ёрдамисиз созлаш ва ишлатиш томонидан қулайликлар бор. Технологиянинг хариди, олиб келиш, созлаш ва ишга тушириш харажатлари қўшилиб, бир товуқ боқиш учун 1,5 доллар сарфланди. Агарда Шамсиддин зийраклик билан иш тутмаганда ушбу харажат 10 долларгача ортса ортардики, асло кам бўлмасди.

"МАБЛАҒНИ ИШ БИЛҒАНГА БЕРЯПМИЗ" —

дейишмоқда "Савдогар" банкининг Музработ филиали ходимлари

Ўзбекистон-Германия "Савдогар" акциядорлик-тижорат банкининг Музработ филиали 1995 йил 13 апрелда ташкил этилган. Ҳозирги кунда бу ерда олти юз йигирма бешта мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келинаётир. Шулардан 212 тасини эса деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади. "Хушвақт бобо" фермер хўжалиги банкнинг энг ишончли мижозларидан. Хўжаликка деҳқончиликда узоқ йиллик тажрибага эга, соҳа билимдони Абдусаттор Мейлиев раҳбарлик қилади.

– Болалик кезларимда бобом билан далага чиқардик. Ўша пайтлари ўз ерим бўлишини жудаям истагандим. Худога шукр, бугун болаликдаги орзуларим рўёбга чиқди. Ҳозирда ихтиёримда 51 гектар экин экиладиган майдон бор. Шунинг 26 гектарига кузда ғалла эккандик. 25 гектар ерни эса чигит экиш учун тайёрлаб қўйганмиз, – дейди мулқдор Абдусаттор Мейлиев. – Ўтган йили 42 тонна ғалла, 98 тонна пахта топшириб, шартномаларни ошиғи билан ўринлатдик. Бизни молиявий томондан қўллаб-қувватлаб турган банк жамоасидан миннатдормиз. Агар улар бизга ўз вақтида кўмаклашишмаганида бундай натижага эриша олмас эдик.

– Банк жамоаси иш жараёнида мижозлар кўнглига йўл топишга, уларга намунали ва кафолатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаётганлиги туфайли қўлга киритилаётган натижалар салмоқли бўлаётир, – дейди ушбу фермер хўжалиги бош ҳисобчиси Соатмурод Мейлиев. – Натижада, банк билан ҳамкорлигимиз тобора кенгаймоқда. Ҳозир жамоамизда 7 киши тер тўкади. Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам йил сайин ортиб бораётир. Ниятимиз бундан кейин ҳам банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз иқтисодиётимизни тобора мустаҳкамлаш.

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилаётир. Бу вазифаларни амалга оширишга мазкур молия муассасаси ҳам ўзининг салмоқли улушини қўшиб келаётир. Келинг, яхшиси, рақамларга мурожаат қилайлик. 2008 йили пахта етиштириш учун 1 миллиард 696 миллион, ғалла ҳосили учун эса 413 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бундан ташқари, 1 миллиард 19 миллион сўм миқдоридаги тижорат кредитлари қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга йўналтирилди. Қурилишга 860 миллион, савдо ва умумий овқатланишга 412 миллион, уй-жой сотиб олиш учун 115 миллион, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун эса 44,5 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада, туманда қўллаб янги бино ва иншоотлар қурилиб, қўшимча ишчи ўринлари яратилди. 2009 йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Банк кредити туфайли техника сотиб олиб, ўз иқтисодий аҳволини яхшилаб бораётган фермер хўжаликлари кўпайиб топилади. Масалан, Музработ туманидаги "Мингли бобо" фермер хўжалиги раҳбари Шерали Минглиев 40 миллион сўмга "ТТЗ-80" русумли трактор, шу тумандаги "Тўраназаров" фермер хўжалиги раҳбари Исмоил Тўраназаров "ВТ-150" русумли техника харид қилишди. Бу борада "Савдогар" банки филиали йўналтириб берган кредитлар айниқса қўл келяпти.

– Банкимизда узоқ вақтдан буён бир яхши анъана қарор топган. Унга кўра бу ерга ташриф буюрган мижозларга яхши муомалада бўлиниб, уларнинг ҳожати чиқарилади, – дейди "Савдогар" банкининг Музработ филиали кредит бўлими мутахассиси Отабек Ҳамроев. – Шу боис, биз билан ҳамкорликда ишлаш ниятида бўлган мижозлар сони тобора ортиб бораётир. Масалан, масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Музработ-трикотаж" қўшма корхонасига 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига замонавий, сўнгги русумдаги тикув машиналари келтирилди. Келажакда корхонада майка, футболка ва бошқа турдаги кийим-кечаклар тайёрланади. 30 нафар қишлоқ қизларига янги ишчи ўринлари яратиб берилади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда бундай саъй-ҳаракатлар кенг кўламда давом эттирилмоқда.

Отабек Ҳамроевнинг эътироф этишича, туманда паррандачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида 2 та фермер хўжалигига 15 миллион сўмдан кредит ажратиш режалаштирилган. Бу борада ҳозирда амалий ишлар олиб борилаётир.

Термиз шаҳрида фаолият юритаётган "Захариком" хусусий фирмаси банкнинг ишончли мижозларидан саналади. Фирмага Сергей Захаренко раҳбарлик қилади. Бу ерда асосан томат, салат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрланади. Корхона жамоаси ушбу маҳсулотларни чиройли идишларга жойлаштириб, тузлаб, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилиш ниятида. Бу мақсадлар учун эса 320 миллион сўм миқдорида маблағ зарур бўлади. Тадбиркорнинг бу талабини қондириш мақсадида банкда амалий ишлар олиб борилаётир.

Ҳисоб-китобнинг қулай ва замонавий усули – нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожланиши пластик карточкалар билан боғлиқ ҳолда шаклланиб бораётир. Молиявий хизматнинг ушбу туридан фойдаланиш нечоғли қулай, ишончли эканлигини халққа кенг тушунтириш бугунги кунда банклар, хусусан, "Савдогар" банки Музработ филиали ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бугунги кунда мижозлар пластик карточкалар нафақат пул тўлашнинг қулай усули эканлигини, балки ўз даромадини оширишга хизмат қилувчи молиявий восита эканлигини тушуниб етишмоқда. Айни кунда савдо корхоналарига 16 та терминал ўрнатиб берилди. Бу борадаги ишлар йил давомида олиб борилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, филиал жамоаси қишлоқ хўжалигида етакчи куч ҳисобланган фермерларнинг молиявий ҳамкори сифатида хизмат кўрсатиш кўлами ва маданиятини янада оширишга астойдил интилмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Сурхондарё вилояти

Пахтачилик

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва бир қатор қарорларига кўра пахта етиштириладиган майдонлар 1391,4 минг гектардан 1315,6 минг гектаргача камайтирилди. Шу билан бир вақтда, ғалла экиладиган майдонлар – 48,8 минг гектарга, мева-сабзавот ва мойли экинлар экиладиган майдонлар – 27 минг гектарга ошди.

ҲОСИЛДОРЛИК ва СИФАТ нав танлашга боғлиқ

2009 йил ҳосили учун районлашган ва истиқболли ғўза навларини вилоятлар бўйича жойлаштиришда ҳам ўзгаришлар бўлди. Ташқи бозор талабига қараб рейтинги юқори бўлган ва янги истиқболли навлар сони ва экин майдони кўпайди. Масалан, ғўзанинг рейтинги юқори бўлган, республика экинлари реестрига яқинда киритилган "Бухоро-102" нави бир йилда 1,5 баравар кўпайди. Яъни, ўтган йилда ушбу нав 122,5 минг гектарга экилган бўлса, бу йил 185 минг гектарга экиш режалаштирилган. Шунингдек, қониқарли рейтингли бўлган "Окдарё-6" нави майдони 45 минг гектардан 18 минг гектаргача камайди.

Ўтган йили республикамизда 12 та реестрга киритилган ҳамда 3 та истиқболли ғўза навлари экиш учун жойлаштирилган эди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич бир оз ўзгарди. Янги истиқболли ғўза навлари жойлаштириш 5 тага кўпайиши режалаштирилган. Аммо ўтган йили реестрга киритилган навлардан бири ингичка толали ғўза – "Термиз-31" навининг ўрнига жорий йилда олий баҳога эга, ташқи бозорда харидоргир, ўртапишар "Бухоро-8" нави реестрга киритилиб, тўртта вилоятда 94 минг гектарга экиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ғўза навлари, биологик хусусиятлари муайян вилоят ва туман тупроқ-иқлим шароитига, хўжалик кўрсаткичлари ва хомашёсининг сифати, иқтисодий самараси агроэкологик минтақаларга мослигини назарга олган ҳолда жойлаштирилиши кераклиги кўриниб турибди.

Навларни республикамиз ҳудудларида жойлаштиришда танланган йўналишнинг тўғрилигини Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда вилоят пахтакорлари ғўзанинг "Бухоро-6", "Бухоро-8" навлари билан бир қаторда тезпишар "Бухоро-102" ва "Наманган-77" навларини экишди. Ўтган йилларда кузатилган сув танқислигига қарамай шартномавий режани 105-110 фоизга бажариб келмоқдалар. Жорий йилда ҳам сув танқислигига чидамли, тезпишар ушбу навларни экиш режалаштирилган.

Бухоро вилояти пахта майдонлари учун жорий йилда жаҳон бозорида харидоргир, толаси юқори сифатлилиги билан ажралиб турадиган ғўза "Бухоро-6" ва "Бухоро-8" навлари танланмоқда. Асосий пахта майдонининг 90 фоизи ушбу навга, қолган 10 фоизи эса янги, тезпишар "Бухоро-102" навига мўлжалланмоқда.

Сурхондарё вилоятида ўтган йили энг катта майдон, бозор талабига мос, "Наманган-77" навига ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу навнинг экин майдони 40 фоизга камайиб, унинг ўрнига янги "Бухоро-102" навини кўпайтириш режалаштирилган.

2009 йили республиканинг энг кўп майдонига толаси IV типга тааллуқли, юқори рейтингга эга, харидоргир "С-6524" нави экилиши мўлжалланмоқда. Бу навни Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятидаги фермер хўжаликлари 30-55 фоиз майдонларга экишади.

Жиззах ва Сирдарё вилоятлари пахтакорлари одатдагидек шўрга чидамли ва тезпишар "АН-Боёвут-2" нави экиладиган майдонни 50-55 фоизга етказмоқчилар. Қолган майдонларда "С-6524" нави билан бир қаторда, қисман, "Окдарё-6" ва "Бухоро-102" навлари экилади. Қорақалпоғистон Республикасида "С-4724" нави билан бир қаторда "Бухоро-102" ва "Окдарё-6" навини экиш режалаштирилмоқда.

Самарқанд вилоятида эса асосий майдонларда "Бухоро-102" ва "Омад" навлари билан "Окдарё-6" нави экилиб, "Бухоро-8" ва янги истиқболли "С-6541" навлари синаб кўрилади.

Тошкент вилояти фермер хўжаликларининг талабларига биноан жорий йилда ғўзанинг "С-6524", "Наманган-77", "АН-Боёвут-2" навларини экиш режалаштирилган. Шунингдек, ғўзанинг истиқболли "С-6541", "Наманган-34", "Наврўз" навлари Ўрта Чирчиқ, "С-9076" нави Янгийўл, Чиноз туманида ҳамда "С-9082", "Андижон-36"лар эса вилоятнинг бошқа ҳудудларида ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилади.

Жорий йилда асосий майдонларда тола сифати юқори, харидоргир "С-6524", "Бухоро-6", "Наманган-77", "Бухоро-8", "АН-Боёвут-2" ва "Бухоро-102" ғўза навлари экиладиган майдон кенгайтирилди, жумладан бундай навлар мавжуд умумий майдоннинг 75 фоизини эгаллайди.

Мамлакатимиз ҳудудлари табиий-иқлим шароитларига жавоб берадиган ғўза навларини ўз вақтида ва сифатли экиш бўлғуси мўл ҳосилга замин яратади.

Ренат НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.

Қилмиш-қидирмиш

ЎМАРГАНИ БУЮРМАДИ

Хўжайлидаги С.Юсупов номли кўчада истиқомат қилиб келган Бахтиёр Сулаймоновнинг турмуши ёмон эмас эди: икки фарзанди бор, оиласи билан тинч-тотув яшарди. Иши ҳам тайин, рўзғори ҳам бинойидек. Бахтиёр "Турон-Хўжайли" ОАЖ корхонасида ўсимлик ёғи омбори мудири бўлиб ишларди. Аммо унинг нафси ҳакалак ота бошладию, юриш-туриши ўзгариб қолди.

У жамоа мулкини талон-торож қила бошлади, яъни омбордаги ёғни хуфёна пуллашга тушди. Ўтган йилнинг 28 сентябрида қиймати 58 миллион 652 минг 200 сўмлик 50 минг 215 килограмм истеъмол ёғини, нархи 39 миллион 51 минг сўмлик 75 минг 241 килограмм экстракция ёғини, жами бўлиб 97 миллион 733 минг 200 сўмлик маҳсулотни пуллаб, ўз шахсий манфаати учун ишлатиб юборади. Бу ноқонуний хатти-ҳаракати билан у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси "А" банди 209-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этади.

"Турон-Хўжайли" ёғ завод раҳбарияти унинг фаолиятини тегишлича назоратга олмаган. Оқибатда, юқорида тилга олинган қиймматдаги талон-торожлик рўй бериб, корхона анчагина иқтисодий зарар кўрди. Жиноят ишлари бўйича Тахтакўпир тумани суди бу жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида судланувчининг қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрор эканлигини инобатга олиб, жазо тайинлади. Корхонага етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Нафсим менинг балодир, ёнар ўтга солодур, деган нақл айнан унга ўхшаганларга нисбатан айтилган бўлса керак.

Қодирбой ЖАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тахтакўпир тумани суди раиси.
Улуғбек АКТАМОВ
Қорақалпоғистон Республикаси

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Булоқбоши тумани бандликка кўмаклашувчи маркази ва туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши томонидан Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркага ишсиз фуқаролар, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар, жазони ўташ муассасаларидан, ҳарбий хизматдан қайтганлар таклиф қилиндилар. Тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва кичик корхоналар 64 та бўш иш ўринлари билан қатнашган ярмаркага 58 нафар ишсиз фуқаро мурожаат қилди. Шулардан 42 нафари иш билан таъминланди. 16 нафар фуқаро эса бандликка кўмаклашувчи марказ маслаҳати билан ишга жойлашишга йўлланма олди.

Шу куни марказ мутахассислари фуқароларга қонуний равишда хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини ташкил этиш тартиби бўйича ҳам тушунча бердилар.

Раъногул ЖУМАНИЁЗОВА
Андижон вилояти

Маҳорат, малака ва билимдонлик кўриги

Хоразм вилоятида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда дарс ишланмалари, слайдлар, кўргазмали куроллар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан диққат билан таҳлил қилиниб, баҳоланди. Энг ҳаяжонли дақиқалар нотаниш мактабда, яъни қишлоқ мактаби ўқитувчиларининг шаҳардаги ихтисослашган мактаб ўқувчиларига дарс бериш жараёни бўлди.

Якуний натижаларга кўра кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни 10-сон ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Шоира Рамазонова эгаллади. Иккинчи ўрин ҳазорасплик Гулора Матякунова, шовотлик Умида Рўзимовага насиб этди. Ғолиблар диплом эсдалик билан тақдирланди.

Мухбиримиз.
Хоразм вилояти

Ҳурматли тадбиркорлар!

ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҒОЯЛАРИНГИЗ БЎЛСА, ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ЎЗ КОРХОНАЛАРИНГИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ, ШУ АСОСДА РАҚОБАТБАРДОШ, ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ **"ПАХТА БАНК"**КА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

ОАТБ "Пахта Банк" Сизнинг инвестицион лойиҳангизни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сонли қарорига асосан "Пахта Банк" мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 3 йилдан ортиқ муддатга, 12 ойга тенг имтиёзли давр билан кредитлар ажратади.

Қарз олувчи мижоз имтиёзли кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- *ариза;*
- *пул оқимлари прогнози кўрсатилган бизнес-режа;*
- *корхонанинг молиявий ҳисоботлари;*
- *кредит қайтарилишини таъминлаш шаклларидан бири;*

а) мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
б) банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
в) учинчи шахслар кафиллиги;
г) суғурта полиси.

Батафсил маълумот олиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиаллари ёки 150-53-44 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

"ПАХТА БАНК" – СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БУЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-1. "Бухоро вилоятидаги "Т-9 Шимолий" туманлараро коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **645 519 650 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати: – **8 ой.**

Лот-2. "Бухоро вилоятидаги "Шимолий Бухоро" туманлараро коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **630 695 388 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: – **10 ой.**

Лот-3. "Бухоро вилояти Когон туманидаги "Ойдинкўл", "Қизилгул" ва "Шароф Рашидов" массивларида хўжаликлараро коллекторларини қуриш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **392 493 402 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: – **10 ой.**

Лот-4. "Бухоро вилоятидаги "Ўнг кесувчи" ва "Чап кесувчи" хўжаликлараро коллекторларини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **639 165 278 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: – **10 ой.**

Лот-5. "Бухоро вилоятидаги ГД хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **1 197 694 478 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати: – **10 ой.**

Лойиҳа ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Буюртмачи:* Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.**

***Танлов ташкилотчиси* – Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (юз минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 20 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

Қашқадарё вилояти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти томонидан 2002 йили Азаматов Мирзохид Азамат ўғли номига берилган № 054103 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Хусусий тадбиркор Жабборов Мустафага 2006 йил 17 октябрда берилган (рўйхат рақами 3066/216) ББ № 016413 рақамли гувоҳнома, 2009 йил 2 февралда берилган № 0603991 рақамли патент, думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянная справка на приватизацию квартиры, выданный Ташкентским городским управлением Госкомимущества за № 17806 на имя Петриченко Светланы Ивановны, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Муқимий кўчаси, 1-уй, 81-хонадонда яшовчи Юлдашев Расул Насимович номига Яккасарой туман БТИ томонидан берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"SETKO" mas'uliyati cheklangan jamiyati Устав фондини 190 005 000 сўмдан 137 053 000 (Бир юз ўттиз етти миллион эллик уч минг) сўмга камайтирганлигини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ирригатор массиви, 2-уй. Тел.: 238-99-99.

ЧП "AZELAR SERVIS" (ИНН 300962440), зарегистрированное 15.10.2008 г. решением хокимията Шайхантахурского района г.Ташкента № R-002901-09, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 464-01-00.

"HI TECH BUILDING BIZNES" хусусий корхонаси Устав фондини 2 770 000 сўмдан 500 000 (Беш юз минг) сўмга камайтирганлигини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ирригатор массиви, 2-уй. Тел.: 237-29-89.

ООО "OPTIMA INVEST" (ИНН 300751632) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 850 000 000 (восемьсот пятьдесят миллионов) сум до 815 350 000 (восемьсот пятьдесят миллионов триста пятьдесят тысяч) сум. Претензии принимаются по тел.: 253-86-99.

СП ООО "ASIA TIMBER INDUSTRY", зарегистрированное в Министерстве Юстиции РУз, сообщает об уменьшении Уставного фонда с 654 000 долларов США до 531 114,27 долларов США. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, ул.Паркентская, 269. Тел.: 177-88-78.

ООО "SAGA PLUS" г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 5 000 000 сум до 1 500 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 158-77-77.

Олам мунаввар — сиз бор дунёда

8 март Халқаро хотин-қизлар куни

Аёлни яшариш, янгиланиш ва уйғониш фасли бўлган баҳорга бежиз қиёс этишмайди. Юртимизда Хотин-қизлар байрами айнан кўкламнинг илк кунларида нишонланишида ҳам рамзий маъно борлиги шубҳасиз. Кўклам нафаси табиатни, аёл меҳри ва нафосати эса дунёни, қалбларни яшнатади.

Аёл меҳри жон озиғидир

Она маҳди, севикли ер мавзуси неча-неча асрлардан буён шоиру адибларга, санъат аҳлига илҳом бағишлаб келаётгани, уларнинг ёрқин сиймоси таърифида яратилган асарлар боқиёликка даҳлдор экани ҳам аёлнинг буюклигидан нишона эмасми?! Ватан, киндик қони тўкилган юрт тупроғи инсон учун ардоқли ва азиз. Не ажабки, ўзимиз азиз тутган неъматларга она сўзини ташбеҳ берамиз: "Она Ватан", "Она табиат"... Она алласидек мўъжизакор, дилдан чиқиб дилга қўнўлувчи қўшиқ инсон зотига насиб этган энг азиз неъмат эмасми? Табиат ҳодисаларию инсон ақлу тафаккури билан яратилган мўъжизалар куч-қудрати ҳам она меҳри олдида заиф ва ночордир.

Аслида хотин-қизларни эъзозлаш, эътибор кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Аёллар байрамининг юртимиз ҳудудларида жуда қадим замонларда ҳам нишонлангани бунинг ёрқин исботидир. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қайд этилишича, баҳор арафасидаги ой "исфандармўз" деб номланган ва у аёллар ойи, шу ойнинг бешинчи куни эса аёллар байрами сифатида нишонланган. «Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», деб ёзади аллома. Исфандармўз сўзи "ақл" ва "мулоҳаза" маъноларини билдиради. Шу билан бирга, Исфандармўз гўзал, ор-номусли, эрига муҳаббатли бўлган хотинга вакил қилинган фаришта номи ҳамдир.

Инсоният тамаддунининг турли даврларида, ер курраси-нинг турли ҳудудларида хотин-қизларга муносабат турлича бўлган. Шукрким, бугун юртимизда аёлнинг қадри баланд, ҳаёти тинч-осойишта. Хотин-қизларимизга ўзлари танлаган соҳаларда истеъдод ва иқтидорларини тўла-тўкис намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар етарли. Юртбошимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир қатор фармон ва қонунларнинг қабул қилиниши, ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатлангани ўз самарасини бермоқда. Юртимиз тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг спикери этиб аёл кишининг тайинлангани, мамлакатимизнинг олий унвонлари ва мукофотларига сазовор бўлганлар орасида хотин-қизларнинг ҳам кўпчилик эканини ана шундай эътибор ва унинг самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Бугун ўзбек аёлининг бахти тўкис! Чунки аёл, она зоти борки, юрт тинчлигини, фарзандлар камолини бахту иқбол, шуларнинг йўлида меҳнат қилишни эса муқаддас бурч, деб билади. Бугун ўзбек аёли сенатор, депутат, тадбиркор, ишбилармон. Бугун ўзбек аёли олима, фермер, корхона раҳбари... Соғлиқни сақлаш, маориф, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг салмоқли қисми ҳам хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Бу аёлларимизнинг жамият ҳаётидаги иштироки юқори эканидан, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганидан далолат беради.

Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим, Зулфия сингари аждодларига муносиб бўлишга интилаётган хотин-қизларимиз илм-фан, санъат, спорт ва маданият, иқтисодиёт соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Юртбошимиз фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, таълим, маданият ва санъат соҳаларида изланаётган иқтидор эгаларини кашф этишда, уларнинг ютуқларини оммалаштириб, ёшларга ўрнак сифатида тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳа, аёл нафосати, гўзаллиги, ақл-идроки олдида шоҳларда тиз чўккани рост. Аёл ақлу заковати, гўзаллигининг ўзи ҳар қанча эҳтиромга, таҳсинга лойиқ. Оналик мақоми эса унга янада улуғворлик бағишлайди. Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади. Бугун у баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбиялямоқда, жамиятнинг турли жабҳаларида эркаклар билан елкама-елка туриб жавлон урмоқда.

Барча хотин-қизларни байрам билан қутлаб, уларга соғлик-омонлик, бахт-саодат тилаймиз. Зеро, айём кунида уларга самимий қутловлар, гуллар ва қўйлар жуда ярашиқли!

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Баҳорнинг илк байрами — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан хайрли тадбир амалга оширилди.

ТИНЧ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ДУОГЎЙЛАРИ

Меҳр-муҳаббат, нафосат байрами арафасида бир асрдан зиёд умргузаронлик қилаётган нуронийчеҳра момолар зиёрат қилиниб, улар байрам совғалари ва гулдасталар билан сийланди.

Қибрай туманида жойлашган Тузел қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Холча момо Аҳмедова уч аср гувоҳи бўлган табаррук инсон. У 1895 йилда туғилган, ҳаётининг 114-баҳорида қалблари қувончга тўлиб, кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик билдирмоқда.

Шу туманнинг эъзозли, юз ёшли онахонлари Жумагул Стамбиева, Ҳури Мўминова, Зувра Самбетова, Қалпош Юсупова, Райҳон Каримқулова, Турдигул Носирова, Рихси Нурбоевалар хонадонлари ҳам байрам билан табрикловчилар ташрифидан қувонча тўлди.

Оҳангарон туманининг Қорахитой қишлоғи фуқаролар йиғини ҳудудида 3 нафар юз ёшдан ошган онахон яшайди. Улуғ Қурдашева, Ниёзгул Бозоралиева, Кумуш Орзикуловалар, жумладан шу туманда яшовчи юз ёш билан юзлашган Бусара Турдиева, Раҳима Одилова каби пиру бадавлат онахонлар юртимиздаги тинчосуда ва тўкин ҳаёт дуогўйларидир.

Жанбул ҚУРБОНБЕКОВ

Тошкент вилояти

Пойтахтимизнинг Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий драма театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Тараққиёт Дастури (UNDP) ва UNFPA, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси томонидан тайёрланган "Бахтли бўлиш учун яралган аёл" ахборот компанияси тақдимоти бўлиб ўтди.

Бахтли бўлиш учун яралган аёл

Унга давлат идоралари, БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари, ОАВ ходимлари таклиф этилди.

Тадбир доирасида Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда кенг омма учун тайёрланган 16 та (8 та ўзбек ва 8 та рус тилларида) ижтимоий видео ҳамда радиоролик намойиш этилди.

Мазкур медиа-компания таълим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш, қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш, баркамол фарзандларни тарбиялаш, одам савдоси ҳамда инсон шаъни ва қадр-қиммати топталишининг олдини олиш каби долзарб мавзуларга бағишланди.

Ижтимоий ҳаётда ва қарорлар қабул қилишда аёллар ҳамда эркакларнинг имкониятлари тенглиги, аёллар савдоси (трафик) ва инсонни эксплуатация қилишнинг олдини олиш, "XXI аср оиласи" тимсоли, низолардан холи оила муҳитини яратиш, оилада учраб турадиган низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ахборот материалларининг мавзуси бўлди.

Тадбир сўнгида санъаткорлар томонидан концерт дастури ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий драма театри актёрлари ижросида "Жайдари келин" спектаклидан кўриниш намойиш этилди.

Феруза АҲМЕДОВА

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИНИНГ БЕКАСИ

Бу хонадонга кўп борамиз. Гоҳида меҳмон бўлиб, гоҳида шундоқ – уй соҳибининг дилкаш, самимий суҳбатини соғиниб, ёғоч ўймакорлиги санъатини мужассам этган нақшинкор дарвозадан киришимиз ҳамоно хонадон соҳибаси Робия опа чеҳрасида нимтабассум ила эшикни очадилар. Гулдор рўмолини тўғрилаганча, турмуш ўртоғини йўқлаб келган кишилар истиқболида қўлларини кўксига қўйганча, пайдо бўлади.

– Келин бўлиб тушган пайтларим ҳовли супураётганимда у бурчакда ҳам, бу бурчакда ҳам спорт жиҳозлари – бокс қўлқопи, тош ва турли нарсалар турарди, – дея ёшлик йилларини эслайди Робия опа. – Спортчилар оиласига астасекин меҳр қўя бошладим. Турмуш ўртоғим, икки нафар қайнукам спортчи, қайнотам доврўғли полвон – курашчи. Дастурхон бошида, оилавий суҳбатларда... доимо спорт мавзуида гапирилар-ди. Тақдири қарангки, Аллоҳ иноятида уч ўғиллик бўлдик. Фарзандларимнинг учовиям отаси, боболари сингари спортчи – оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди, СамДУнинг жисмоний маданият факультетида таҳсил олишди. Тўнғичим Худоёрнинг исмини бобоси Аҳмад полвон қўйганлар. Шерзод ва Беҳзод спорт ташкилотларида масъул лавозимларда ишлашади. Таниқли спортчи болаларим ва набиралирим даврасида бахтиёрман.

Робия опа қиз кўришни жудаям хоҳларди.

– Худоёр ўғлимнинг аёли иккиқат бўлганида роса қувондим, – дея сўзида давом этади Робия опа. – Ишқилиб, набирам қиз бўлсин-да! Туғруқхонага шошиб борарканмиз, хаёлимиз ана шу орзулар оғушида эди. Йўқ, ўғил неварали бўлдик – Шаҳриёр туғилди. Худоёрга қўшилиб бизлар ҳам шод бўлдик. Иккинчи набирам қиз бўлди. Исмини бобоси Рухшона деб қўйдилар. Ҳозир Рухшона етти ёшга тўлди. Катта оиламиздаги ягона қиз, ҳаммамизнинг эркатойимиз.

Спортчилар оиласининг уч нафар набираси ҳам спортчи бобокалони, бобоси ва оталари изидан боришаётир. Катта ҳовлида болалар сузиш ҳавзаси, турник, арқонда тортилиш, қўйингки, спортнинг ўнлаб тури билан шуғулланиш учун машқ хоналари, майдончалар бор. Бу хонадонга Оби Машҳад маҳалласи болалари ҳамда шаҳарнинг бошқа гузарларидан болалар ҳам келиб, спорт билан шуғулланишади. Фидойи, бағрикенг Мамажон ака болалардан устозлик меҳрини дариғ тутмайди.

– Ёз ойлари боғ четидаги ҳовузча бўйида болаларнинг чўмилганини кузатиб, назорат қилиб ўтираман, – дейди Робия опа. – Олти-етти яшар болалар, қизчалар ўн метрча баланд арқонда тортиладилар. Турли мураккаб машқлар бажарадилар. Ишқилиб, боши омон бўлсин болаларимнинг, дейман. Ота-оналари келиб олиб кетгунларича жоним ҳалак, соғ-саломат топширай дейман.

Спортчилар оиласининг севимли бекаси Робия опанинг нурли чеҳрасига разм соламан. Камтар, юз-кўзларидан ҳамиша меҳр ёғилиб турадиган, ҳаракатчан ва меҳнат қилиб чарчамайдиган аёлга ҳавасим келади.

Убай ҚОДИР,
журналист.

Самарқанд вилояти

G'allabank

Барча мунис онахонларимиз ва опа-сингилларимизни ***8 март – Халқаро хотин-қизлар куни*** *муносабати билан самимий муборакбод этади!*

Сизларга бахт-саодат, хонадонингизга файзу барака, тинчлик ва фаровонлик тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

"БОНУС" – омонат муддати – 1 йил, йиллик 25 % миқдорида устама фоиз ҳисобланади ва ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади. Омонат муддати тугаганидан сўнг қўшимча 2 % бонус тўлаб берилади.

"ТАРАККИЁТ" – омонат муддати – 3 ой, йиллик 26 % миқдорида устама фоиз ҳисобланади ва ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

"БУНЁДКОР" – омонат муддати – 1 ой, йиллик 25 % миқдорида устама фоиз ҳисобланади ва омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.

Депозит ҳисоб варақларидаги омонатлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057 сонли "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ тўлиқ кафолатланади.

Омонатларга маблағлар Галлабанкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Галлабанк хонадонингизга барака келтирсин!

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-14-17.
www.gallabank.com

Байрам ҳазили

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Кимнинг юмуши осон?

Ҳаётий эртак

Бор экан-да, йўқ экан, эр-хотин бўлган экан. Эр ҳар куни далага ишлашга кетар, хотин эса уй юмушлари билан банд бўлар экан. Кунлар ана шу зайилда ўтаверибди. Бир кун эр арзимаган нарсадан жаҳл отига минибди ва аламини хотинидан олибди:

— Мен далага бориб, эртадан кечгача омоч билан ер ҳайдаб, ўлар ҳолатда, тинка-мадорим қуриб уйга қайтаман. Сен эса кун бўйи соя-салқинда маза қилиб бекор ўтирасан. Бундай яшаш жонимга тегди!

Эрнинг гапига хотини:

— Оҳ, эржон-а, аччиғингиз чиқмасин. Бўлмаса келинг, иккаламиз ўрин алмашамиз. Мен сизнинг, сиз эса менинг юмушларимни бажарасиз. Шунда кўрамиз, кимнинг иши оғир экан? — дебди.

Бу таклиф эрга маъқул тушибди.

— Яхши, энди салқинда ўтириш навбати меники. Қани, кўраман, ишларимни эплай олармиканман?! Сен ҳам кечгача омоч орқасидан юриш қанақа бўлишини билиб қўй! — дебди кулиб.

— Розиман. Ҳали мени айтди, дерсиз. Уй юмушларининг биттасиям сизга оғирлик қилади! Эрталаб тонг ёришиши билан сув олиб келасиз, ҳовлини супурасиз. Кейин хамир қориб, сигир-бузоқларга қарайсиз. Сигирни соғиб олгач, молларни подага ҳайданг. Бу пайтда болалар уйғонади. Уларга нонушта, пешинда тушлик тайёрлайсиз, кир-чирини ювасиз, нон ёпасиз. Ҳа-я, менга тушлик олиб бориш ҳам ёдингиздан қўтарилмасин. Кеч тушганда моллар подадан қайтади, уларга қарашни, овқат тайёрлашни ҳам унутманг, — дебди хотини қувлик билан.

— Сен ҳам ишларни рисоладагидай бажар. Хўкизларни омочга қўшгин-да, ерни яхшилаб ҳайда. Мен уй юмушларини бирпасда қойиллатиб ташлайман! — дебди унга жавобан эр.

Ҳар ким вазифа бажаришга киришибди. Хотин омочни олиб, хўкизларни ҳайдаб, дала томон йўл олибди. Хўкизларни омочга қўшиб, ер ҳайдашга киришибди.

Эр эса уй ишларини бажаришга уринибди: сув олиб келибди, ҳовли супурибди, сигир соғибди. Лекин хаёли қочиб, оғилхонанинг эшигини ёпишни унутибди. Очиқ эшикдан боққа чиқиб кетган сигирлар экинларни пайҳон қилибди, эчкилар эса карамларни кемириб, жўякларни бузиб ташлабди.

Овқат пишираётган эр ўчоқбошини ташлаб, боққа чопибди. Қўшнисининг ёрдамида сигир-бузоқ ва эчки-улоқларни бир амаллаб оғилхонага қамабди. У мол-ҳоллар билан овора бўлган пайтда кучук пишган гўштни олиб кетибди, мушук эса хурмачадаги сутни ағдариб юборибди, қозондаги қайнаётган сут тошиб, оловни ўчириб қўйибди. Болалар бир-бири билан жанжаллашиб, супурилган ҳовлини яна расво қилишибди.

Деҳқон юмушларни эплолмай чунонам чарчабдики, асти қўяверасиз. Ҳамма ишни яна бошидан бошлашга ҳоли келмабди. Айтган гапларидан пушаймон бўлиб, қўл қовуштириб хотинини кутиб ўтираверибди.

Даладаги ишларни тугатган хотин хўкизларни омочдан чиқариб, уйига ҳайдабди.

— Тинчликми? Нега ҳаммаёқ ивирсиб ётибди? Болаларнинг аҳволига қараб бўлмайди. Менга овқат ҳам олиб бормадингиз. Ҳеч бўлмаса ўзингиз у-бу нарса тамадди қилиб олдингизми? — деб сўрабди хотин.

— Сен ҳақ экансан. Хотинларнинг иши жуда оғир экан, — дебди эр ва хотинидан узр сўрабди. Хотин уйни йиғиштириб, саранжому сариштa қилибди, эр эса мол-ҳолларга қарабди.

Эртаси куни эрталаб эр ҳар кунгидек ўз ишига жўнабди, хотини эса уй юмушларини бажаришга киришибди. Ўшандан кейин улар бир-бирларига кўмаклашадиган бўлишибди ва қолган умрларини тинч-тотув ўтказишибди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.55
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678